



ЧИН СЕВИШ

(Фитрат асари)

Якинда ўзбек сахнаси улуг ва улуглиги кадар юксак ва гўзал бир томоша (пиеса) кўрди.

Мен ўзум икрор киларга тейишманким, унинг ўзини ва ўйналишини тегишинча танкид ва ё такриз килувни мен бажара олмайман. Бирок бу йўли ва тўғрида ёзмоклик вазифаси менга тушканликдан кўб чукур бўлмагон карашимни ёзиб кетамен.

Воқеа Хиндистондадир. Хиндистон ўзгаришчиларидан бўлгон Каримбахшхоннинг ўқимишли ва гўзал кизи Зулайхога икки киши бирдан ошиқдир: бири ўзгаришчи, юртчи шоир Нуриддинхон. Иккинчиси — эгри юракли, англизпараст — Рахматуллахон. Кизнинг отаси ўзгаришчи ва хинднинг буюк шоири бўлган Нуриддинни суяр ва кизини унга бермак истар; кизнинг онаси эса, ўйдан, армондан кўра кийим ва киёфатка кўз солгонлигидан ёмон кийингувчи ва дарвеш каби юргувчи Нуриддинга эмас, яхши кийинувчи ва соддаларни алдай олувчи Рахматуллахонга бермакчи.

Кизнинг ўзида Нуриддинни севар.

Нуриддин кизни «чин севиш» билан суйганлигидан кизга хурмат килиб, «суйдим» деб айта олмайдир. Рахматуллахон эса ундан илгари ҳам бир неча ёш кизларнинг бошига етканлигидан муни кўлга туширувга ҳам кўлидан келганни киладир: кизнинг онаси билан сийка муносабатда бўлинадир. Нуриддин бор вақтда кизнинг кўнмаслигини билиб Нуриддинни орадан кўтармак истаб, ёлгон бир тухмат билан англиз камогига олдирадир. Ундада бўлмагоч, ўлдирмак учун одам ёллаб зиндонга юборадир. У одам зиндонга кириб Нуриддиннинг ичатургон сувиға оғу солса ҳам, Нуриддин Зулайхонинг хаёллари билан ўралашиб, ичмай қоладир. Хинд ўзгариш кўмитаси зиндончи билан келишиб Нуриддинни куткарадир ва Каримбахшхоннинг уйида яширин бир жойга жойлайдир. У ерга жойлангоч, Нуриддин билан Зулайхонинг ораси «василат» жойига етадур. Гўзал-гўзал шоирона сўзлар билан иккаласи ҳар вақт сўйлашалар.

Бир кун бунлар бир неча киши (ичларида Зулайхо ҳам) «Ўзгариш кўмитаси»нинг мажлисини кўруб, Хиндистоннинг хар ерида англизларга карши ялпи кўзгалиш ясов тўгрисида сўйлашиб тургонларида Рахматуллахон бошлик англизлар пўлисалари келиб босалар. Кучли олишмадан сўнг бирмунча англиз пўлисалари билан бирга Зулайходан бошка хамма ўзгаришчилар ўладир: Зулайхони олиб кеталар.

Англиз пўлисалари Зулайхони тутмок истаркан, Рахматуллахон: «теймангиз, у меним суйгилимдир» дега, англизлар «кўмитачими сенинг суйгилинг» деб ўзини хам отиб ўлдиралар.

Бу улуг томошанинг энг огир вазифалари икки кишида эдиким, бири Зулайхо, бири — Нуриддин. Ундан кадар кучли бўлгон Рахматуллахон вазифаси, асосан унларча огир эмасдир.

Боя айтганимдай Нуриддин «чин севиш»га еткан бир ошиқдир ва шунинг учун у хаёллидир, Машрабдир, Девонадир. Зулайхони у не кадар суйгани холда, «суйдим» деб кўб чоғларгача айта олмагон. Ёлгиз йирокдан «эсонмисиз?» деган, суюклиси хам «эсонмисиз?» деса чидай олмагон. Кочкон. Бекиниб-бекиниб йиглагон. Хўнграган». Ўзи суйиб, куйиб ёткони холда, ўзи зўр бир дардга айлангон холда, «ишк дард эмас, даводир», дейдир ва хар ерда шуни айтадир.

Бу ролни атокли ўхшатувчимиз Уйгур мунг яхши ўйнади. Айникса, учинчи пардада кўрсаткан килиглари тўгри ва жойли эдилар. Тўгрисини айтмок керак бўлса, 4 нчи пардада Нуриддин рўли етарли чикмади: аллакандай кўзга ярашмаган ва оддий килиглар кўрилди. Мунда кўпрок айб бизнинг сахнамизнинг камбагаллигига тушадир. Негаким, ўзининг амплуласи ботир — кахрамон рўллари ва ўткур кулги бўлгон Уйгур севгига, севгидан кийнала билувга юмшоқдир. Бирок севгувчи файласуф табиатли ишларни 3 нчи пардада яхши кўрсатуб эди.

Зулайхо хам яхши: бирок унга кўброк севги харакати бермок керак эди. Тушунув, узок вақт сўзсиз тушунув (биринчи пардада) тўгри ва табиий эмасдир. У нарсга Нуриддинга келишар. Уни ўйновчи Саъдия Туташга бундан хам огиррок (агар бўлса!) ва кўб харакатли роллар бериб, унинг ўхшатувчилик кучини ортдирмак керакдир.

Ундан кейинги Рахматуллахон ролини ўртоқ Кори яхши ўйнади ва тўлуг бир тип (тус) бера билди. Бошка кахрамонларда хам бўлгон майда камчиликларни айтув ортикча. У биринчи пардада юмшоқрок эди. Шоирона айтмак истаган сўзларини тегишинча таъсирлик килиб айта олмади. Иккинчи пардада унинг килиглари кўб гўзал эди. Айникса, кизнинг отасидан битик келгач чикиб кетиб, кайтиб киришлари — бу ўхшатувчини тўлуг тип берганлар орасига киритадир.

Ўзгаришчи Сарвар билан Нуриддиннинг огаси чин ўқимишли ёш йигитлар тусини тўлуг бера олурлар эди, агарда бир оз огир ва шошилмай кимирласалар.

Нуриддинни каматдиргон ва ўлдирмакка юрган йигит тўгриси, у кадар хоин тоифали эмас эди.

Кизнинг отаси (Ўктам) зўр бир оила эгаси. Муниг устига, юкори фикрли юрт болаларини ўз ўгли каби кўра билатургон ўзгаришчи бир мухтарам ота тусини кўрсатди.

Рахматуллахоннинг ўртоқларидан Аюбхоннинг рўлини олгон ўртоқ О. жуда бўш ва янглиш чикарди. Айникса ролини билмаслиги на зўр камчилик!

Бошқалар кўмакчи бўлушуб, теккиз ўйнадилар. Пўлисалар таппончани ўз бошлиқларига дўлайдилар; бу энг зўр эътиборсизликларнинг бири. Сахна оркасидан отилувлар ўз вақтида чикмади ва шунинг натижасида Рахматуллахон ўк тегмасданок ўла берди.

Умуман, сўнг пардада рухли бўлишқа тегиш экан, рухсиз чикди.

Ўзбек сахнаси ёшдир. Унинг учун мундай зўр нарсалар балки огир бўлур эди. Шундай бўла туриб «Карл Маркс» тўдаси ўртоқ Уйгурнинг тинмаслиги ва берилишлиги оркасида зўр нарсаларни ҳам сахнага чикара ва яхши муваффақ бўладир.

Асар тўғрисида фикр юритувдан кочмокка ва ўзимни тортишга мажбурман. Негаким — шу ёзилгонлардан ортиги меним учун ортиқдир.

«Карл Маркс» бу асарни тагин 1—2 маротаба такрорларга керакдир. Халк, томошачи халкимиз буюк армонли, соф адабий нарсаларга ҳам тушуниб келадир. Бу ўзбек сахнасининг зўр енгиси, мундан фойдаланув керак.

Энди бу бир кўйилиб ўткан ва кўшилиб, бутунланиб босдирилгон ўртоқ Гози Юнуснинг «Заххоки морон»ини куришга тилаймиз. Бу асарнинг кўйилганига кўб бўлди. Халк согингондир. Шунингдек, зўр нарсалар яна ёзилиб туралар шекилли, «Чин севиш»нинг ёзгувчиси унинг давоми дейилса бўлатургон «Хинд ихтилоли»ни ёзиб битирган. Яна бошқа кишиларда бошқа нарсалар ҳам бор эмиш.

Сахнамиз жонлана, юксала. Бирок Эски шаҳар халкининг бошида тургонлар кишлик яхши бир бинони кайгуртмасалар, чиндан жиноят килгон бўлурлар...

Чин севиш. — макола «Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 25 ноябрь сонида эълон килинган.

Василат — ар., висол сўзининг кўплиги.

Уйгур — тахаллуси, хакикий исми-шарифи Маннон Мажидов (1897 — 1955), ўзбек театрининг асосчиларидан бири, талантли режиссер ва актёр. Ўзбекистон ССР халк артисти.

Ампула — фр., фойдаланиш, актёр имкониятига мос тушадиган роллар туркуми.

Саъдия Туташ, Робия Туташ — ўзбек театрининг илк даврларида аёллар ролларини гоҳ эркаклар, гоҳ бошқа миллат вакиллари (мас. М. Кузнецова) ўйнашга мажбур бўлган. Жумладан, татар актрисалари Р. ва С. Туташлар бу йилларда катта хизмат килганлар.

«Ўрток Кори» — бизнингча, бунда Сайфикори назарда тутилмокда Сайфикори Олимов (1901 йилда тугилган) ижодий фаолиятини Карл Маркс труппасида бошлаган. Умрининг охиригача ҳозирги Хамза номли театрда ишлаган талантили актёр, ЎзССР халқ артисти.

Карл Маркс тўда — 1918 йилда Тошкентда М. Уйгур раҳбарлигида ташкил топган театр труппаси. Ярим профессионал характерга эга бўлган бу труппа шу йилнинг ўзидаёқ Туркфронт сиёсий бошқармаси ихтиёрига ўтган ва Карл Маркс номини олган. Кейинча, бу труппа Хамза тузган труппа билан қўшилиб, ҳозирги Хамза номли театрининг асосини ташкил килган.

Гози Юнус (1893—1939) — 20—30-йилларининг энг фаол зиёлиларидан, журналист ва драматург, «Муштум» журнални ташкил қилиш ва оёкка тургазишда А. Кодирий ва Чўлпон билан бақамти ишлаган заҳматқаш инсон. Г. Юнус Фирдавсийнинг «Шохпома»си асосида «Заххоки морон» пьесасини ёзган ва у ўз вақтида кенг шухрат қозонган. Катагон қурбонларидан.

«Хинд ихтилоли» — Фитратнинг «Хинд ихтилолчилари» асари назарда тутилмокда.